O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1028 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 23 февраль, чоршанба • № 15 (11.200) • Эркин нархда сотилади

БОШ ЙЎЛИМИЗ — ИСЛОҲОТ, ИЗЛАНИШ, ТАДБИРКОРЛИК

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, 17 февраль куни Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1999 йил якунлари, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги ҳамда шу йил 11 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис сессияси ва Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузалари мамлакатимизда катта аксадо берди. Маърузада кўтарилган масалалар, кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, камчиликларни тугатиш юзасидан олимлар, хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар, оддий меҳнаткашлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Айниқса, тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан айтилаётган фикрлар зътиборга лойиқдир.

Бу галги вилоят семинар-кенгашининг олдингиларидан тубдан фарқ қилганлиги ҳам баайни шунда бўлса керак. Йиғилишда 500 нафардан ортиқ вилоят фаоллари иштирок этдилар. Уларнинг орасида турли табақадаги раҳбарлар билан бирга тадбиркорлар, ишбилармонлар, деҳқон-фермер хўжаликларининг бошлиқлари ҳам бор эди. Семинар-кенгашда иштирокчиларга Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ва мажлис баёни видео ёзуви яна бир бор кўрсатилди. Ана шу паллада зални кузатган киши иштирокчиларнинг бу маърузада айтилаётган гапларни ҳис-ҳаяжон билан тинглаётганлигини сезиб олиши қийин эмас эди. Бу биринчи масала. Иккинчидан вилоят тақдирини ҳал этадиган жамоа уларни ҳаётга қандай татбиқ этиши, ижросини таъминлаш учун қай тариқа саъй-ҳаракат кўрсатиши муҳим эди, албатта.

Шунинг учун ҳам семинар-кенгашида маруза қилган вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов вилоятнинг 1999 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини танқидий таҳлил этиб, 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини баён этар экан, иштирокчиларни мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишга чақирди. Биз бугун Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излашимиз ва ечимини топишимиз керак, деган фикрни бот-бот таъкидлади.

Бу бежиз эмас эди. Давлатимиз раҳбари айтилган мажлисда бунга алоҳида урғу бериб, шундай дедилар: **"Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бу бизнинг олга интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир"**.

Назаримизда бунинг ечими, аввало, одамларнинг, раҳбарларнинг, ҳар бир табақанинг ўз фикрини эркин билдиришидан бошланади. Шу куни бу мақсадга маълум маънода эришилди, дейиш мумкин.

Энди асосий масала. Вилоятнинг 1999 йил натижалари билан боғлиқ айрим рақам ва таҳлилларни келтириб ўтсак.

1999 йилда вилоятда 190,9 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 1998 йилга нисбатан 101,4 фоиз ўсишга эришилди. Етакчи тармоқлар — саноатда 150,3 миллиард сўмлик, қишлоқ хўжалигида 34,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. 31 минг 124та янги ишчи жойлари яратилди. Ислоҳотлар туфайли вилоятимиздаги 7392та объект мулкчилик шаклини ўзгартирди. 70та ширкат, 3051та фермер ва 338,3 мингта деҳқон хўжаликлари, 10821та кичик ва ўрта бизнес корхоналари пайдо бўлди. Уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Кенгашда таъкидланганидек, юқорида келтирилган натижалар бундан ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди. Бироқ, жойларда иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, тараққиётга ғов бўлиб турган муаммолар бунга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХАРИДОР — ХОРИЖЛИКЛАР

ПСКЕНТ пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганлигига олти ойдан зиёдроқ вақт ўтди. Эндиликда одамлар ўша пайтдан аввалги аҳволни истеҳзо билан эслайдилар. Корхона оғир шароитга тушиб қолган, ниҳоятда кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарар эди. Чунки, маънавий эскирган машина-механизмлар кўзланган мақсадга эришиш имконини бермас эди.

Ўтган йил август ойида пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятига замонавий, юқори унумли ускуналар ўрнатишга аҳд қилинди. Натижада, маҳсулот сифати яхшиланди, сарф-харажатлар камайди, даромад ошди. Йил 2 миллион сўмлик соф фойда билан якунланди. Бундай кўрсаткичларга эришишда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти пахта толаларининг жаҳон бозоридаги харидоргирлиги сабаб бўлди. Пахта толаларининг асосий қисми — деярли 92 фоизи хорижга — Швейцария, АҚШ, Франция, Чехия, Словакия, Украина сингари давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ҳозирга келиб, корхона мўлжалдаги қувватга эришди. Зотан, уни қисман такомилига етказиш учун яна 106 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни кунларда корхонада тукли чигит тайёрлаш жараёнлари қизғин давом этмоқда. Бу йилги экиш мавсуми учун 600 тонна чигит тайёрланиб, Бўка, Янгийўл ва бошқа туманларга етказиб берилмоқда. "Фарғона-3", "Тошкент-6", "Омад", "Меҳр" навларини деҳқонлар бажонудил харид қилмоқдалар. Чунки, чигит уруғи сифатли бўлса, ҳосил ҳам баракали бўлишини деҳқонлар яхши биладилар. Меҳнат унумдорлигини оширишда пресcловчи У. Тошматов, чилангар Ў. Мирзараимов, уста О. Арстановларнинг ҳиссаси қатта бўлмоқда.

***СУРАТДА**: техника назорати бўлими мудири Муҳтарама Абдуллаева.*

Даврон АХМАД олган суратлар.

"ҲИНДИСТОННИНГ КАТТА ДЎСТИ"

ҲИНДИСТОН Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг маданий алоқалар бўйича кенгаши томонидан мазкур мамлакат билан маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларга "Ҳиндистоннинг катта дўсти" номини бериш анъанага айланган. Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳам ана шу номни олишга муяссар бўлди.

Ҳиндистон мавзуси, унинг гўзал табиати, маданий ҳаёти, тарихий обидалари рассомларимизни кўпдан қизиқтириб келади. Бир қанча ўзбек мўйқалам усталари ҳинд диёри тўғрисидаги бой таассуротларини ранг-баранг асарларида ифода этган — уларнинг бу асарлари Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида, Ўзбекистон Бадиий Академияси марказий кўргазмалар залида "Ҳиндистон ўзбек рассомлари нигоҳида" номи билан намойиш этилган. Пойтахтдаги Ҳиндистон маданият марказида мамлакатимиз рассомларининг, айниқса, ёш ижодкорларнинг кўргазмалари режали равишда ташкил этиб келинмоқда. Буларнинг барчаси икки халқ ўртасида маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ҳукуматларимиз ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик борасида имзоланган битимга биноан Ҳиндистон Республикасининг Лалит қалъа давлат бадиий академияси билан академиямиз ўртасида шартнома тузилди, — дейди Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Т. Қўзиев. — Шунга кўра Ҳиндистондаги энг нуфузли "Замонавий санъат музейи" ташаббуси билан юртимизда ҳинд тасвирий ва амалий санъати усталарининг асарлари кўргазмаси очилади. Эътиборли томони шундаки, кўргазма экспонатларининг негизини бобурийлар даври санъати ташкил этади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ ҳаёти

● РЕСПУБЛИКА "Наврўз" хайрия жамғармаси Оққўрғон туман бўлимининг ташаббуси билан Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги қўғирчоқ театри гуруҳи икки кун давомида томошалар кўрсатди. Жумладан, марказий маданият уйида ташкил этилган "Карлбобо ва Буратино саргузаштлари" спектаклига 78-махсус интернат тарбияланувчилари, 100 нафардан зиёд туғма ногирон болалар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Шунингдек, театр гуруҳи Олимкент шаҳарчасидаги маданият уйида, 46- ва 3-мактаблар ҳамда "Гулистон" жамоа хўжалигидаги 4-мактабда ҳам томошалар намойиш этди.

● БОЗОР иқтисодиёти шароитида тиббий муассасаларни хусусийлаштириш ҳам ислоҳот талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган йили вилоятдаги тўртта даволаш муассасасида беморларга янгича мулк шаклида хизмат кўрсатилиб, давлат бюджетига 584 минг сўмдан кўпроқ маблағ туширилган эди. Шу йил бошида бундай шифохоналар қаторига яна иккитаси қўшилди. Айни пайтда 36 нафар шифокорга ҳам хусусий тиббий фаолият учун республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома берилди.

● "АВТОНЕФТТРАНС". Ангренда барпо этилаётган янги корхонага шундай ном берилди. "Ўзбекнефтгазхолдинг" компаниясига қарашли ушбу корхона Қамчиқ довони яқинида жойлашади ва унда "Мерседес-Бенц" фирмасининг 550та бензинташигичлари бўлиши назарда тутилган. Улар ёрдамида Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналари маҳсулотлари ташилади.

● ЯНГИЙЎЛ шаҳрида барпо этилган қўшма корхонага "Лорена" деб ном берилди. Болгариялик тадбиркорлар ўзбек ишбилармонлари билан яқин хамкорликда корхонани жадал ишга туширишга эришдилар. У кенг истеъмол маҳсулотларидан бўлган ювиш ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона тамғаси босилган дастлабки туркум маҳсулотлар истеъмол бозорига етказиб берилди.

● ВИЛОЯТ "Экосан" халқаро жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари билан ҳамкорликда ташкилот ва муассасалар ҳамда ўқув юртларида грипп хасталиги тарқалишининг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқда. Шунингдек, беморларга "Полисепт" антисептик эритмаси тарқатиляпти. Бу хил тадбирлар учун жамғарма вилоят бўлими томонидан 500 минг сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди.

● ВИЛОЯТ Педагогика билим юртида ҳозирги кунда 1990 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар орасида меҳрибонлик уйларида тарбия топган ёшлар ҳам анчагина. Билим юрти ана шу ўқувчилар орасида ўқишда ва жамоат ишларида ўрнак кўрсатаётган талабаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаётир. Ўқув даргоҳи касаба уюшмаси бундай иқтидорли толибларни бепул кийим-бош билан таъминлаш, стипендиядан ташқари уларга ҳар ойда тўрт минг сўмдан ёрдам пули беришни йўлга қўйди.

● ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Янгибозор маданият уйида "XXI аср ёшлари ва асл мусулмоннинг замонавий қиёфаси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган маҳалла оқсоқоллари, корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимлари, уй бекалари ва ёшлар жиноятчиликнинг олдини олиш, дин моҳиятини тўғри талқин қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

● ВИЛОЯТ маънавият ва маърифат маркази, ёшларнинг "Камолот" жамғармаси ташаббуси билан Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда Тошкент Давлат педагогика институтида "Янада огоҳ бўлайлик" мавзуида маънавият соатлари бўлиб ўтди. Унда профессор Х.Қудратуллаев, имом хатиб А.Жабборов, вилоят маънавият ва маърифат маркази раҳбари Р.Шералиев, вилоят Ёзувчилар уюшмаси раиси, шоир М.Тоировлар сўзга чиқиб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

● ОҚҚЎРҒОН туманида "Аёллар йили"да ўтказилган "Мукаррама аёл" номли кўрик-танлов якунига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шу номга муяссар бўлган 14 нафар онахон шарафланди. Уларга туман хотин-қизлар қўмитаси ва қатор жамоат ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Бундан ташқари, ушбу йиғилишда қатнашган барча хотин-қизларга "Аёлни эъзозланг" номли китоб инъом этилди.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК — XXI АСР МУАММОСИ

КЕЧА пойтахтнинг "Шератон-Тошкент" меҳмонхонасида "Экосан" халқаро жамғармаси Овруполда хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё бўйича алоқалар Бюроси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон: XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик" мавзуида халқаро конференция ўтказди.

Анжуманни "Экосан" халқаро жамғармасининг президенти, фалсафа фанлари доктори, профессор Юсуфжон Шодиметов кириш сўзи билан очди. Сўнгра ОХХТнинг Марказий Осиё бўйича алоқалар Бюросининг иқтисодий ва экологик масалаларни ҳал қилиш борасида Ўзбекистондаги ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ўрнатишга қўмаклашишдаги ўрни мавзуида вазирликлар ва идоралар, элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг чиқишлари тингланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз).

МЕТАЛЛГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Бекободдаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида кора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини қайта тайёрлашга бериш ишларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, ҳудудий бошқарув органлари, металл хомашёсини тўплаш билан шуғулланувчи бошқа ташкилот ва муассасалар раҳбарлари қатнашди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Исаев бошқарди.

Мажлисда 1999 йилги ва жорий йилнинг январ ойидаги иш натижалари кўриб чиқилди. Жамланган захира бекободлик металлургларни уч ярим ой мобайнида узлуксиз иш билан таъминлаши, халқ хўжалигининг турли тармоқларига маҳсулот етказиб бера олиши қайд этилди. Айни пайтда қатор ҳудудлар, муассаса ва корхоналарда иккиламчи металл хомашёсини тўплаш ва топшириш, металлолом етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ишларини яхшилаш лозимлиги таъкидланди. Республикада саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилмоқда, демак, бундан буён ҳам металлга эҳтиёж ошиб бораверади.

Мажлисда коммуникация ва энергетика тармоқларининг бутлигини назорат қилиш ишларини кучайтириш зарурати таъкидланди. Чунки юқори вольтли электр узатиш линияларини ишдан чиқариш, ер ости кабелларини қазиб олиш, симларни узиш ҳоллари кузатилмоқда. Ўтган давр мобайнида божхона органлари ва ИИБ ходимлари турли жиҳоз ва мосламалардан 28 тонна рангли металл ажратиб олинганини аниқлади.

ЎзА.

ВИЛОЯТИМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ МОСКВАЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

ТОШКЕНТ вилояти деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси делегациясининг Москвага ташрифи жуда самарали ўтди.

Россия пойтахтининг озиқ-овқат бозори бой ва ранг-баранг бўлиб, у ерда картошкадан тортиб экзотик меваларгача сотиб олиш мумкин. Лекин сўнгги пайтларда москваликларнинг кўпи ўзбек замини ноз-неъматларини соғиниб қолишган, уларнинг денгиз орти мамлакатлари мевалари сунъий мазасидан сезиларли фарқ қилувчи беқиёс мазасини ҳали ҳам эслашади.

Яқинда ўтказилган сўровлар москваликларнинг 60 фоизи сифатли ўзбек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хуш кўришларини кўрсатди.

Ҳозир вазият аста-секин яхшиланмоқда — ўзбек деҳқонлари ва россиялик истеъмолчилар ўртасида узилиб қолган алоқалар ҳар иккала томон фойдасига кўра қайта тикланмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида бўлган "Оптпродинвест-99" учинчи халқаро ихтисослаштирилган кўргазмада Ўзбекистоннинг мева ва сабзавотларига доимо талаб катта бўлган Москва ҳамда Россия Федерациясининг бошқа кўплаб ҳудудларига ўз маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ўнлаб шартномалар имзолагани фикримизнинг тасдиғидир.

Россия озиқ-овқат бозорини забт этиш, бу ерда ўз иштирокимизни кенгайтиришга муайян ишлаб чиқарувчилар даражасидаги алоқалар туфайли эришиш мумкин. Шу мақсадда Тошкент вилоятининг 14та фермер хўжалиги раҳбарлари деярли бир ҳафта давомида Москвада бўлдилар.

Фермерларимизнинг фойдали музокаралари Москва мэрияси бўлинмаларида: озиқ-овқат ресурслари, истеъмол бозори ва хизматлар департаментларида, жамоатчилик ва минтақалараро алоқалар қўмитасида бўлиб ўтди. Янада аниқроқ музокаралар Россиянинг кўплаб минтақаларини озиқ-овқат билан таъминловчи "Мосрегионторг" давлат бирлашма корхонаси раҳбарияти билан ўтказилди. "Мосрегионторг" фақат Москванинг ўзида 5 минг дўкондан иборат тармоққа эга, 110та улгуржи ва турли бозорлар билан иш юргизади.

Делегация аъзоларининг шаҳарнинг энг йирик улгуржи бозорларидан бири — "Отрадное" маъмурияти билан учрашуви ҳам фойдали бўлди. Тошкентлик фермерлар бозорнинг инфратузилмаси ва коньюктураси билан танишдилар, омборхона ва савдо бинолари ижараси шарт-шароитлари тўғрисида келишиб олдилар. Омборхона ижараси бўйича шартномага "Садовое" улгуржи бозори раҳбарияти билан ҳам эришилди.

Тошкент вилояти фермер хўжаликлари ассоциацияси делегациясининг ташрифи ўзбек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун янги истиқболларни очиб берди. Тошкентликлар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги ҳамкасбларига амалий ташаббус ва тадбиркорликда ўрнак кўрсатдилар ва улар бундан хулоса чиқаришларига умид қиламиз. Ҳозирча эса Москва дўконларида ўзбек деҳқонлари етиштирган карам, узум ёки гилосдан кўра океан ортидан келтирилган бананларни сотиб олиш осонроқ. Россиянинг улкан озиқ-овқат бозорида мавқеимизни қайта тиклаш вақти келди...

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
"Жаҳон" АА мухбири,
Москва.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

БЕКОБОД туманидаги "Ғалаба" ва Навоий номли ширкат хўжаликлари аҳолиси Тошкентга бориш учун 20-30 чақирим йўл босиб, Бекобод шаҳар бош автобус бекатига келишга мажбур эди. Шуни ҳисобга олган шаҳар "Автобус-такси саройи" акциядорлик жамияти раҳбарияти "Ғалаба" – "Боёвут" – "Деҳқонобод" – "Туркистон" – "Бўка" орқали Тошкент йўналишида автобус қатновини йўлга қўйди. Автобус Бекобод шаҳридан эрталаб соат 7.20да, Тошкентдан эса 16.00да йўлга чиқади.

БОШ ЙЎЛИМИЗ — ИСЛОҲОТ, ИЗЛАНИШ, ТАДБИРКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистоннинг келгусидаги истиқболи тадбиркорлар қўлида, деган фикрни алоҳида таъкидладилар. Хўш, вилоятда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ва қўллаб-қувватлашга қандай эътибор берилмоқда? Тўғри, 1999 йилда уларнинг сафи бирмунча кўпайди. Вилоят бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 12,6 фоизи ана шу кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келди. Бу камми, кўпми? Албатта, кам. Чунки, Тошкент вилоятида бу соҳани ривожлантириш учун жуда катта ички имкониятлар мавжуд. Ана шундай бир пайтда 5033та кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятини тўхтатиб қўйганлиги ташвишлидир. Жумладан, Янгийўл шаҳридаги 217та, Чирчиқдаги 627та ва Зангиота туманидаги 378та кичик ва ўрта корхоналар лозим даражада қўллаб-қувватланмаганлиги туфайли ўз фаолиятини тўхтатган. Шу ўринда яна бир рақамни келтириб ўтиш керак. 2000 йилнинг 1 январь ҳолатига якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган 1600 нафарга яқин жисмоний шахслар ҳам турли сабабларга кўра ўз ишини тўхтатган.

Семинар-кенгашда юқоридаги саволларга аниқ жавоб изланди. Тадбиркорлар олдида турган муаммоларни таҳлил этиш билан бирга, уларга ўз вазифалари нуқтаи назаридан амалий ёрдам ва хизмат кўрсатиши, бу ишларни жойларда назорат қилиши лозим бўлган ташкилотларга саволлар қўйилди. Таҳлиллардан маълум бўлдики, айрим шаҳар ва туманларда республика ҳукуматининг мазкур масалага оид қарор ва фармойишларининг ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Оққўрғон, Пскент, Бекобод, Бўка, Юқоричирчиқ сингари туманларда тадбиркорликни ривожлантиришга оид ҳужжатлар, мазкур ҳудуд ҳокимларининг қарорлари умуман қабул қилинмаган. Бу туманларда бирон маротаба тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий комиссияларининг йиғилишлари ўтказилмаган. Ушбу ҳудудлардан бironта ҳам инвестиция лойиҳалари вилоят комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилмаган.

Маълумки, бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий масаласи уларга кредит маблағлари ажратишдир. Жойларда ўтказилган таҳлиллар бу борада ҳам қатор муаммоларга дуч келинаётганлигини кўрсатмоқда. Тўғри, 1999 йилда тижорат банклари тадбиркорлар учун 2,1 миллиард, "Бизнес-фонд" бўлими 88,4 миллиард, "Бандлик" жамғармаси 55,1 миллион, деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси 11,5 миллион сўм кредит ажратган. Лекин, вилоят миқёсида булар жуда кам. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, тадбиркорларга кредит бериш жараёнида турли хил сансалорликларга йўл қўйилмоқда. Банк ходимлари ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган тартибга асосан 4та ҳужжат ўрнига 15-20 турдаги ҳар хил ҳужжатлар талаб этишда давом этмоқдалар.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш мақсадида вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда "Вилоятулгуржибиржасавдо" ҳиссадорлик компанияси ўртасида шартномалар тузилган. Афсуски, 1999 йилда "Вилоятулгуржибиржасавдо" ҳиссадорлик компанияси томонидан бу шартномаларнинг биронтаси ҳам бажарилмади.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида "Бундай бемаъни ишларга қатъиян чек қўйиш, маъмурий-буйруқбозлик, эски яккапартиявийлик тизимидан қолган бу каби иллатларни таг-томири билан суғуриб ташлаш, айбдор шахсларни эса сиёсатимизни обрўсизлантираётгани учун жавобгарликка тортиш зарур", дедилар. Дарҳақиқат, вилоятимизда ҳам бу масалага энди янгича ёндошиш ҳаётий заруратга айланиши ва давр талабини тушунмаётган раҳбарлар ва масъул ташкилотлар ишига муносиб баҳо берилиши керак.

Қолаверса, вилоятда 2000-2005 йилларда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари сонини икки баробарга ошириш ва 20 минг 100тага етказиш, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 30,7 фоизга кўтариш режалаштирилмоқда. Бундай вазифани муваффақиятли бажариш учун, албатта, катта саъй-ҳаракат ва масъулият талаб этилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий бўғинларидан бири хусусийлаштириш, корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантириш, мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир. Семинар-кенгашда бу масала ҳам чуқур таҳлил этилди. Вилоятда бу борада белгиланган топшириқлар бажарилди. Лекин, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар ва акциялар бозорини ривожлантириш, умуман, мулкдорлик мавқеи Тошкент вилоят имкониятлари даражасида амалга оширилдими, деган савол ўртага ташланди. Бу бежиз эмас эди. Чунки, вилоятда бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд эди. Режа ўз йўлига, биз бундан буён мавжуд ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш йўлидан боришимиз зарур, деган фикр билдирилди. Тўғри гап. Агар акцияларни сотиш топшириғи Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Паркент, Пскент, Тошкент, Юқоричирчиқ туманларида ҳам бажарилганда эди, яна қўшимча миллионлаб маблағ тушган бўлиши ва уларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш мумкин бўлур эди. Бўка туманида корхона ва ташкилотларнинг акцияларини сотишга умуман киришилмаганлиги ҳам ўз баҳосини олиши керак, албатта.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида корхона, хўжалик, муассасаларнинг номи ўзгарган бўлса-да, ишнинг ҳамон эскича давом этаётганлиги ташвиш билан тилга олинди. Аслида бунинг туб сабабини ҳам Президентимиз очиб бердилар ва шундай дедилар: **"Бундай нохуш аҳволнинг бош сабаби корхоналарни хусусийлаштириш мантиқий ниҳоясига етмаганида, яъни самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шакллан-маганида, деб биламан"**.

Ҳақ гап. Бундай жараён қатор қишлоқ хўжалиги хўжаликларида ҳам кузатилмоқда. Одамлар ширкатга айланган хўжаликнинг туб моҳиятини ҳали ҳис этмаяптилар. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бекобод, Бўка, Тошкент туманларида ғалладан вилоят кўрсаткичидан 8-10 центнердан кам ҳосил олинганлиги, Бўка, Бекобод, Чиноз, Юқоричирчиқ туманларида ҳар гектар ердан бор-йўғи 22-23 центнердан шоли ҳосили олинганлиги ёки Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ, Қибрай туманларида ҳар гектар ердан базўр 78-90 центнердан картошка олинаётганлиги, Бўка, Юқоричирчиқ, Куйичирчиқ, Пскент туманларида ҳар бош сигирдан йил давомида 600-800 килограммдан сут соғиб олинаётганлиги ана шу қусриётнинг натижаси эмасми?

Президентимиз таъкидлаганидек, бугун биз мулк шакли ўзгаришини сон ва миқдорга қараб эмас, бераётган натижасига қараб баҳолашимиз зарур. Бунинг натижаси эса кишиларнинг меҳнатга муносабатининг ўзгариши, уларда ҳақиқий мулкдорлик ҳиссининг пайдо бўлиши, ўз меҳнатининг сифат ва самарадорлигига яраша ҳақ олиши, энг муҳими уларда ишонч пайдо бўлиши билан белгиланмоғи керак.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб қилиш тўртинчи устувор йўналиш қилиб қўйилди. Бу ҳам Тошкент вилояти учун жуда катта аҳамият касб этади. Семинар-кенгашда бу масала таҳлил этилар экан, 1999 йилда ташқи савдо айланмаси 6,9 фоиз камайганлигининг туб сабаблари ҳақида гап борди. 1998 йилга нисбатан Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Пскент, Тошкент, Чиноз туманларида ташқи савдо ҳажмининг пасайишига йўл қўйилди, Оққўрғон туманида эса умуман бу фаолият амалга оширилмади. Шу ўринда вилоятдаги қўшма корхоналар фаолиятига ҳам тўхталиб ўтиш керак. Маълумки, вилоятда бугунги кунда 168та қўшма корхона рўйхатга олинган бўлиб, улардан 116таси фаолият кўрсатмоқда. Лекин, ажабланарли томони шундаки, бу корхоналарнинг бор-йўғи 18тасигина ўз маҳсулотини четга экспорт қилмоқда.

Савол туғилади. Жойларда қўшма корхоналарни ташкил этишдан мақсад нима эди? Бу ҳаммага маълум. Ушбу корхоналар орқали жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, айни вақтда кўпроқ чет эл инвестициясини вилоятга жалб этиш. Шундай экан, нега қарийб 98та қўшма корхона четга маҳсулот чиқармаяпти? Янгийўл шаҳридаги "Фараз", Бекобод шаҳридаги "Колос юпитер", "Урал юпитер", Чирчиқдаги "Вескаф", "Аргус Азия", Юқоричирчиқ туманидаги "Енгранг" сингари қўшма корхоналар ўз низомидаги қурилиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўрнига савдо-воситачилик билан шуғулланмоқда. Бу далиллар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар ва туманларда бу соҳадаги ишларни ҳам тубдан яхшилаш, истиқболли, мукаммал дастур ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини қатъий назоратга олиш керак. Бунинг яна бир аҳамияти шундаки, бундай корхоналарни кўпайтириш, айниқса, қишлоқ жойларда ташкил этиш аҳолининг кенг қатламини қўшимча ишчи жойлари билан таъминлаш имкониятини беради.

Семинар-кенгашда вилоятдаги бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, иш натижалари ҳам шу тарика чуқур таҳлил этилди. Айни вақтда унинг иштирокчилари билан бевосита мулоқот жараёнида ечилмаётган муаммоларни ўртага ташлаш ва муҳокама этишга кўпроқ эътибор берилди.

Унда сўз олган Оҳангарон туманидаги "Оҳангарон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Шунқор Умурзоқов Оҳангарон туманида айрим лалми ерларнинг амалда сувли ер ҳисобидан рўйхатга кириб қолганлигини, хусусан, "Оҳангарон" ширкат хўжалигидаги 300 гектардан ортиқ майдонга аслида сув чиқариш мумкин эмаслигини, бу масала бир неча марта қатор идораларда кўтарилганлигига қарамасдан ҳал этилмаётганлигини ўртага ташлади. Шунингдек, у хўжаликларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ажратилаётган бўнак маблағининг ўз вақтида берилмаётганлигини ҳам ташвиш билан тилга олди. Бундай ҳолат хўжалик ишларини юритиш, айниқса, экинларни озиқлантириш масалаларини ҳал этишда тўсиқ бўлмоқда.

Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалиги раиси Омон Амиров жўяли фикрни ўртага ташлади.

— Аввало, ҳар бир хўжалик янги иш усулига ўтар экан, унга олдиндан тайёргарлик кўриши, ўз ишчи-хизматчиларини ҳуқуқий-маънавий жиҳатдан ҳозирлаши лозим. Биз ширкатга ўтишга 1993 йилдан буён ҳаракат қилдик. Ишладик, изландик. Шу тарика бир йилдан буён янги усулда меҳнат қилмоқдамиз. Одамлар ўзларини мулк эгаси эканлигини ҳис этмоқдалар. Натижада, барча режалар ва белгиланган вазифалар бажарилмоқда.

Айни вақтда бизни қийнаётган ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам бор. Уларнинг бири етиштирган пахтамизнинг чигити ҳисобига биз олишимиз зарур бўлган ёғ, кунжара ва шулха масаласидир. Афсуски, биз пахтамизни заводга топшириб, амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ унинг 70 фоизи ҳисобига юқоридаги маҳсулотларни заводдан тўғридан-тўғри олишимиз керак. Лекин, бу жараён амалга ошмаяпти. Сансалорликка дуч келмоқдамиз. Бу фақатгина Азаматов номли хўжаликкагина эмас, вилоятдаги барча хўжаликларга тегишли масала. Бу хусусда ҳукуматнинг қўшимча аниқ кўрсатмаси бўлса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккинчи масала шуки, деҳқончиликда мўл ва сифатли ҳосилга замин йиғим-терим даврида эмас, ерни тайёрлаш, экиш ва парвариш даврида қўйилади. Айрим вақтларда, дейлик, мана бугунги кунда биз ғаллани ўғитлашимиз зарур. Баъзан ўғит, ёқилғи-мойлаш материалларини олишга маблағ етишмайди. Шундай экан, ғалла ва пахта учун бериладиган ҳақ ва бўнак пуллари олдиндан ажратилса, самарали иш бўлур эди.

Ангрен шаҳридаги "Саноаткартонсавдо" ҳиссадорлик жамияти раиси Шевкет Османов корхонани тўла қувват билан ишга солиш ва хомашё олиб келиш учун валюта етишмаётганлигини ўртага ташлади.

— Тўғри, биз вазиятни тушунамиз, — деди у, жумладан, — лекин, бизнинг корхонамизга ўхшаган бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари учун бу масала қўшимча тарзда ўрганиб чиқилса, яхши бўлур эди.

Оққўрғон туманидаги "Гўзалкент" фермер хўжалиги раҳбари Бакир Исроиловнинг ўртага ташлаган масалаларидан биттаси ҳақиқатан ҳам ечимга муҳтож деб ҳисоблаймиз. У фермер хўжаликлари топширган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаётганлиги масаласидир.

— Пахтамизнинг пулини вақтида ололмаганимиз майли-я, — деди у, — яқинда солиқчилар келиб, фаолиятимизни ўрганиб, ҳукумат солиқларини ўз вақтида тўламаганлигимиз учун бизга жарима ёзиб кетишди. Ахир, маҳсулотимиз учун ўз вақтида ҳақ ололмай, солиқларни муддатида тўламаганимиз учун биз айбдор эмасмиз-ку!

Дарҳақиқат, деҳқоннинг топширган маҳсулотига ўз вақтида ҳақ тўланиши масаласи Президентимиз томонидан ҳам бир неча марта кўтарилди. Масъул ва ижрочи ташкилотлар бу муаммога яна бир бор қайтсалар, ёмон бўлмасди.

Хусусий тадбиркор тўла оёққа туриб, қаддини ростлаб олиши учун дастлаб унга кўмак ва эътибор керак. Шу нуқтаи назардан Янгийўл шаҳридаги "Зукко" хусусий корхонаси раҳбари Лазокат Қаюмованинг сўзлари диққатга сазовордир. Республикамизда ягона, болалар учун мўлжалланган "Гематоген" ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу корхона сўнгги вақтда хомашё, хусусан, шакар олишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Агар бу муаммо ҳал этилса, корхона ўз қувватини икки баробар ошириш имкониятига эга.

Худди шундай масалани Қибрай туманидаги "Акмал Лазиз ўғли" хусусий фирмаси бошлиғи Акмал Мансуров ҳам ўртага ташлади. Чет эл технологияси асосида ёғоч яшчиклар ишлаб чиқараётган бу корхона ҳам хомашё — ёғоч материаллари олишда қийинчиликка дуч келмоқда. Бу масалада корхонага зарур шарт-шароит яратилса, вилоятимиз халқ хўжалиги учун янада кўпроқ ана шундай зарур идишлар тайёрлаш имконияти бор. Семинар-кенгашда сўз олган бошқа тадбиркорлар ҳам қатор муаммолар ва ўзларини қийнаётган масалаларни ўртага ташладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу муаммоларнинг кўпчилиги семинар-кенгашнинг ўзида жавобини топди. Йиғилиш шу жиҳати билан ҳам эътиборга лойиқ бўлди, дейиш мумкин.

Албатта, бир йиғин ёки семинар-кенгаш давомида барча масалаларни ҳал этиш, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни ечиш мумкин эмас. Лекин, энг муҳими, бундай семинар-кенгашлар ва мулоқотлар келгусидаги фаолиятимизда ўзининг ижобий изини қолдириши зарур. Қолаверса, ҳамма нарсани фақат давлат ёки ҳокимлик ҳал этиб бериши керак, деган фикр ҳам тўғри эмас. Аксинча, мамлакатимизда ҳамма соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва амалга оширшга оид қонунлар, қарорлар ва фармонлар қабул қилинган. Биринчи навбатда жойларда уларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш устида қаттиқ ишлашимиз керак.

Иккинчидан, раҳбарлар, тадбиркорлар, деҳқон фермерлар, ўрта ва кичик бизнес соҳиблари бу қонунларни ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари, яъни етарли билим, малака ва савияга эга бўлишлари ҳам керак. Ана шундагина биз бу тармоқни янада ривожлантириш имкониятига эга бўламиз.

Президентимиз таъкидлаганларидек, **"Эртанги кунимиз фаровон бўлсин десак, тараққий топган давлатлардан кам бўлмасдан ўзимизнинг орзу-мақсадимизга эришмоқчи бўлсак, бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур.**

Тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш, изланиш ва яна изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳисобидан яшашимиз керак. Ана шундагина Аллоҳ-таоло бизни қўллайди, йўлимизни очиб беради. Илгари кўп бор айтганимдек, элим деб, юртим деб ёниб яшаш ҳар биримиз учун ҳаёт мазмунига айланиши даркор".

Бу сўзларга қўшимча қилиш қийин. Бўлиб ўтган семинар-кенгаш иштирокчиларда ана шундай эзгу ниятни ва ҳаракатни уйғотишига ва ривожлантиришига умид қиламиз.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

"МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ" ТУРНИРИ

19-20 февраль кунлари Тошкентдаги "Юнусобод" спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича "Мустақиллик кубоги" турнири бўлиб ўтди. Ушбу мусобақа шу йил ёзда Сиднейда ўтказиладиган Олимпия ўйинларининг саралаш баҳси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Х. Кароматов мусобақани очар экан, Ўзбекистон йирик спорт анжуманларини ўтказиш марказларидан бирига айланаётгани, мамлакатимизнинг бу соҳада эришаётган ютуқлари халқаро майдонда кенг эътироф этилаётганини таъкидлади.

Мазкур турнир олимпия ўйинларининг саралаш баҳси бўлгани унга қизиқишни янада оширди. Мусобақада АҚШ, Канада, Германия, Туркия, Россия, Жанубий Корея, Украина, Норвегия, Швеция каби 36 мамлакатдан 150га яқин спортчи иштирок этгани ҳам ушбу фикрнинг далилидир. Шу сабабли "Мустақиллик кубоги" турнирининг деярли барча баҳслари қизғин курашлар билан кечди.

Ўз вазн тоифаларида хитойлик Ванг Хю Ай 54 кг, арманистонлик Карен Мнасаканян 58 кг, россиялик Николай Ионов 63 кг, озарбойжонлик Ислом Дагучиев 69 кг, жанубий кореялик Ким Жим Су 76 кг, норвегиялик Данис Фритц 85 кг, украиналик Давид Солдадзе 97 кг ҳамда туркиялик Бакир Фотиҳ 130 кг мусобақа ғолиби бўлди ва Сидней олимпиадасига бериладиган йўлланмаларни қўлга киритди.

ЎзА.

МУОЛАЖА УЧУН УЗОҚҚА БОРМАЙДИЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗДА мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби тиббиёт тизимида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Янги ишга туширилган тиббиёт муассасалари, айниқса, қишлоқ жойларида врачлик пунктларининг фойдаланишга топширилиши бевосита қилинаётган ишларнинг амалий самарасидир. Янги тиббиёт шахобчалари бугунги кунда жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу эса, қишлоқда яшаётган аҳолини шу ернининг ўзида тиббий кўрикдан ўтказиш имкониятларини яратмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йилнинг иккинчи майида "Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини 2000 йилларгача ривожлантириш дастури" тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бу қарорда қишлоқ аҳолисига қулай ва малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш асосий масалалардан бири қилиб кўрсатилган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида Чиноз туманида ҳам дастур бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди. 1997 йилда "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги марказида барча қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилган бўлса, 1998 йилда эса "Дўстлик" жамоа хўжалигида ана шундай замонавий қишлоқ шифохонаси ишга тушди.

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тизими тўғрисидаги давлат дастури" ҳақидаги фармони эълон қилингач, бу ишлар да. Биргина Навоий номли жамоа хўжалиги қишлоқ врачлик пунктида фаолият кўрсатаётган тиббиётчилар, мавжуд жиҳозлар хўжалик аъзолари узоқ масофага қатнамасдан, шу ернинг ўзида шифо топишлари учун имкониятлар яратди. Бу ерда физиотерапия, стоматология, гинекология бўлимлари мавжуд. Юқумли касалликлар ташҳисларини тез аниқлаш учун барча қулайликлар бор. Шунингдек, мазкур врачлик пунктида 10 беморга мўлжалланган кундузги даволаниш бўлими ҳам фаолият кўрсатяпти. Амур Темур номли ширкат хўжалигида ҳам янги врачлик пункти қисқа даврда қуриб битказилиб, бугунги кунда беморларни қабул қилмоқда. Туманда мазкур йўналишдаги ишлар давом этмоқда.

Айни пайтда Охунбобоев номли жамоа хўжалигида янги врачлик пункти қуриш режалаштирилган. Шунингдек, "Эшонобод" жамоа хўжалигидаги врачлик амбулаторияси ҳам юқоридаги йўналишда шифо масканига айлантирилади. Умуман, "Соғлом авлод йили"да Чиноз туманида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янгилаш, уларни замонавий тиббиёт ходимлари билан таъминлаш ишларига алоҳида режа асосида эътибор қаратилмоқда.

Шоира ХИКМАТОВА.

2000 йил — Соғлом авлод йили

ҲАМ ТАРБИЯ, ҲАМ ХАЙРИЯ

"Соғлом авлод учун" жамғармасининг Бекобод шаҳар бўлими ёшлар тарбиясини яхшилаш борасида ўтказилаётган турли хайрия тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

Бўлим ташаббуси билан "Соғлом авлод — соғлом жамият негизи" мавзуида ўтказилаётган давра суҳбатлари кўпчиликни қизиқтирмоқда. Сўнгги вақтларда бундай тадбирлар "Андижон", "Ўзбекистон" маҳаллаларида, қатор мактабларда уюштирилди.

Жамғарманинг шаҳар бўлими имкониятга қараб тиббий муассасаларга мунтазам ёрдам беряпти. Чунончи, туғуруқхона учун сал кам 25 минг сўмлик чойшаблар ҳамда 45 килограмм кир ювиш воситалари берди. Бундан ташқари, юқумли касалликлар шифохонасига ўнларча минг сўмлик дори-дармонлар ҳадя этди. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган "Соғлом авлод йили"да бўлим бундай беғараз ёрдамни янада кучайтириш, ўсиб келаётган авлоднинг тарбиясини ва саломатлигини яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширишни режалаштирган.

Абдумурод АШУРОВ.

ЕР САҲОВАТЛИ, ЛЕКИН...

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ҳар бир туман ўзига хос тупроқ, ер, иқлим шароитига эга. Паркент тумани тилга олинганда кўпроқ мевазор боғлар, узумзорлар, қир-адирлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Тоғ олди ҳисобланган бу туман ҳудудидан ўтган Паркент ва Ҳамдам каналлари сувсиз ерларга мўл-кўл оби-ҳаёт олиб келади. Бу имкониятлардан фойдаланиб, боғдорчилик билан бирга картошкачилик ва сабзавотчиликни ҳам йилдан-йилга ривожлантириш мумкин бўлади.

Лекин, баракали хирмон кўтариш деҳқонлардан катта тажриба, маҳорат, билим талаб этади. Бунинг боиси бор. Бир вақтлар сувсиз бўлган қирликларга ишлов бериш, экинларга керакли миқдорда сув етказиб беришнинг ўзи бўлмайди. Деҳқон чидам, сабот ва усталик билан ишлаши керак. Агарда сув меъёридан кўпроқ қўйилса, ернинг устки унумдор қатлами ювилиб кетиб, жарликлар, ботқоқликлар ҳосил бўлади. Табиийки, бу ҳол катта иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтиради. Ерни асл ҳолига келтириш мушкуллашади, қўшимча катта маблағ ва меҳнат сарфлашга тўғри келади.

Сўнгги йилларда деҳқончилик тизимида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусий мулкчилик шаклланди, ерга муносабат тубдан ўзгарди. Пудрат, ижара усулида ишлай бошлаган деҳқонлар ерни асраб-авайлаб, қадрига етиш, энг муҳими — унумдорлигини оширишга катта эътибор бера бошладилар. Бу борада қатор амалий тадбирлар жорий этилди. Булар ўз самарасини кўрсатди. Маҳаллий ўғитлардан кенг кўламда фойдаланилаётганлиги туфайли ер таркиби тозаланмоқда. Бундан ташқари ариқ ва зовурлар ўз вақтида тозаланиб, сувнинг, оз бўлсада, нобуд бўлишига йўл қўйилмаяпти. Бу борада "Гулбоғ", "Навбаҳор", "Бўстон" ширкат хўжаликларида, айниқса, ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, хўжаликларда ерларнинг унумдорлиги, маҳсулдорлиги ортиб бораётир. Бу эса хўжаликлар иқтисодининг мустаҳкамланишига, деҳқонлар турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келаётир.

Ислоҳот одимлари

Буларнинг ҳаммаси деҳқонга эрк берилганлиги натижасидир. Биз аминмизки, деҳқон меҳнати қадр топган сари имкониятлар тўла ишга солинади, ялпи ҳосил ва даромад ҳам кўпайиб бораверади.

Р. САРБОЕВ,
Паркент тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

БЎСТОНЛИҚ туманидаги "Бердиёр" фермер хўжалигининг довруғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 8 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер Мирзатилла Ортиқов асосан ғалла, картошка, сабзавот етиштириш билан шуғулланади. Ҳар йили мўл ҳосил олиб, режаларни ортиғи билан бажаради. Тоғолди майдонларда у мевазор боғлар барпо этишга ҳам киришди.

***СУРАТДА**: фермер Мирзатилла Ортиқов (ўнгда) ўғли Лазиз билан олма кўчатларининг ҳолатини кўздан кечирмоқда.*

Владимир ПОРТНОВ олган сурат.

Қишлоқ аёллари

САДОҚАТ

ХАЛҚ орасида шундай гап бор: қиз бола отасига тортар эмиш. Умуман олганда, ҳаётда бу канчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини билмадигу, аммо Садоқат Турсунбой акага тортганлиги аниқ. Ҳали мактабнинг учинчи синфида ўқиётганидаёқ қизча шеъриятга, санъатга ҳавас қўйди. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатида Паркент туманида ҳурмат-эътибор топган. Т. Шамсиев бундан бехад қувониб фарзандини адабиёт ва мусиқа тўгарагига жалб этди. Ҳудди ана шу жойда қизалоқ ифодали ўқиш сирларини эгаллади, қўшиклар айтишни машқ қилди.

Онаси Ҳуррият опанинг, қўни-қўшниларининг севиниб:

– Барака топ, қизим, қани яна битта шеър айтиб бер, – деб қилган илтимослари унинг руҳини кўтарар, болаларга хос яйраб кетар, дилида китобларга меҳр ўйғонарди.

Юқори синфларда Садоқатнинг яна бир фазилати – ташкилотчилик қобилияти намоён бўлди. Адабий баҳслар, маънавий, тарбиявий мавзудаги гурунглар, биронбир ёзувчи ёки шоир ижодига бағишланган кечалар унинг иштирокисиз ўтмасди.

Умрни оқар сувга ўхшатишади. Ўрта мактабдан сўнг Садоқат ўқишга кирди. Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтиб, у бошланғич синф ўқитувчиси бўлди. Кейин келинлик либосини кийди. У тушган хонадонида қайнона, қайнотасига, умр йўлдошига астойдил хизмат қилди. Айни пайтда китоблардан меҳрини узмади. Бир куни қайнонаси Дариха ая ёнига чақириб:

– Қизим, мактабданоқ нималарга қизиқишингиздан хабардормиз, қайнотангиз ҳам, ўғлим ҳам тушунган одамлар. Кеча сизни маҳаллада ўтказиладиган "Ибратли келин" танловига айтиб келишди. Йўқ, деманг, болам, қатнашинг, ҳаммамиз розимиз, – деди.

Садоқат қалби қувончга тўлиб, миннатдорчилик билдирди. Чиндан ҳам кечқурун оила дастурхон атрофига тўпланганда, ҳеч ким аянинг истагига эътироз билдирмади. Қайтага Садоқатнинг истеъдоди ҳақида сўзлашиб хурсанд бўлиб ўтиришди. Шу тарзда С. Жўрабоева аввал маҳаллада, кейин туманда ўтган "Ибратли келин" танловларида фаол қатнашди. Улардан сўнг 1998 йили вилоят, республика кўрикларида ўз билими, топқирлиги, таржимаи холини шеър билан ифодали баён этиш бўйича баҳсларда ғолиб бўлди. У ижро этган "Алла" қўшиғини тинглар экан, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам, томошабинлар ҳам ўзларини гўё кўз олдиларига Ўзбекистонда танилган хушовоз хонанда, марҳум Ҳабиба Охунова келиб қолгандек ҳис этдилар. Шу куни Чанги қишлоғидаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, икки фарзандининг онаси Садоқатни ҳамкасблари, оила аъзолари, маҳалла-қўйдагилар, туман фаоллари самимий табрикладилар.

– Раҳмат, азизлар, – деди у, – биз хотин-қизларга қобилиятимизни рўёбга чиқариш учун катта имкониятлар яратиб берилганидан миннатдорман. Мустақиллик туфайли мен ҳам шундай танловларда қатнашишга муяссар бўлдим...

– Садоқат Жўрабоева ҳаммамизнинг фахримиз, – дейди Паркент тумани ҳокимининг муовини, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчехра Исломова, – у муаллима сифатида ҳам катта ҳурматга эга. Оиласига меҳрибон. Умр йўлдоши Турдиали билан Дилсора ва энди қадам ташлашга интилаётган Рустамжонларни улғайтиришмоқда. Буни бежиз гапираётганим йўқ. Садоқатлар хонадонида ҳамон ҳар куни алла янграб туради. Бу қўшиқ айтилган уйдан эса, қувонч, файз, қут-барака аримас экан.

С. Жўрабоева ҳақида меҳр билан сўзлаётган раисани тинглар эканмиз, борлиқни мунис оҳанглар селига ғарқ этиб, алла овози парвоз қилаётгандек бўлди, гўё. Бу бир-биридан ширин фарзандларига, туғилиб ўсган қишлоғига, истиқлол нур бахш этган муқаддас Ватанига садоқатли қишлоқ аёлининг сеҳрли овози эди. У сўлим масканнинг салобатли тоғлари оша қанотларини кенг ёзиб, оҳиста учар, дилларда энг нафис туйғуларни уйғотар ва табиатнинг баҳорий жилоларидек товланиб, вужуд-вужудларга сингиб кетарди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ЧОРВАЧИЛИК – ДАРОМАДЛИ ТАРМОҚ

ПАРКЕНТ туманидаги "Гулбоғ" жамоа хўжалиги ширкатга айлантирилгач, чорвачилик ҳам даромад келтирадиган соҳага айлана бошлади. Ҳозир хўжалик фермасида 850 бошдан зиёд корамол, 3700та қўйэчки ва 95 бош йилки парвариш қилинмоқда.

Тармоқда оилавий пудрат усули тўла жорий қилинган. Ҳар бир пудратчи ўзига бириктирилган молларни зооветеринария талаблари асосида боқишга интилмоқда. Чунки у қанча кўп маҳсулот етиштирса, шунча мўмай даромад эгаси бўлишини тушунади. Бу эса қишловга етарли ва тўйимли озуқа жамғаришга ундамоқда. Жумладан, қишловга минг тонна лавлаги, 900 тонна хашак, 800 тонна силос ва 300 тонна сомон ғамлангани боис қишлов муваффақиятли ўтмоқда.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ.

ИНСОН ТАҚДИРИ ДАҚИҚАЛАРДА

ДАН бурчаги

Вилоят йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини аниқлаш, уларни бартараф этиш, транспорт воситаларининг ҳолатини ўрганиш, ҳаракатланиш ишларини ташкил этишни яхшилаш ДАН ходимларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Хўш, вилоят ДАН ходимлари ўтган йили бу борада қандай ишларни амалга оширдилар? Вилоят Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Асадулла ХАМИДУЛЛАЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Вилоят ИИБ ДАН бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан ўтган 1999 йили йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ДАН хизматининг иш самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширганлигини мамнуният билан таъкидлагим келади. ДАН ходимлари томонидан ўтган йили йўлларда ҳаракатланишнинг 423437та қоидабузарликлари аниқланган. Бу кўрсаткич 1998 йилнинг шу даврига нисбатан 6,9 фоизга ошганлигини кўрсатади.

Вилоятимиз ҳудудида ходимларимиз томонидан "Диққат, болалар", "Диққат, пиёда", "Тоза ҳаво", "Диққат, темир йўл кесишмаси", "Трактор", "Мотоцикл", "Таътил" тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, ходимларимиз жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда "Тозалаш", "Арсенал", "Қора дори-99", "Тўсиқ", "Тун" каби тадбирларда иштирок этдилар. Бундай тадбирлар, албатта, ўз самарасини бера бошлади. Ходимларимиз йил давомида 13та босқинчилик, 20та қотиллик, 300та шахсий ва 53та давлат мулкини ўғирлаш, 43та тан жароҳати етказиш, 5та безорилик, 11та талончилик, 25та ноқонуний қурол сақлаганлик каби жами 628та турли-туман жиноятларни фош этдилар. Шу билан бирга гиёҳванд моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганликлари учун 162 фуқаро ушланиб, улардан 26,6 килограмм миқдорида гиёҳванд моддалар мусодара этилди.

ДАН ходимлари йўл-ҳаракат қоидаларини назорат қилиш билан чекланмай, жойларда, мактабгача тарбия муассасаларида, маҳаллаларда, муассаса ва ташкилотларда бўлиб, ҳаракатланиш қоидаларини одамларга ўргатиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида суҳбатлар ва тушунтиришлар ўтказадилар.

Транспорт воситаларининг техник ҳолатини автохўжаликларнинг ўзида текшириш йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишнинг асосий омилларидандир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ДАН ходимлари томонидан ўтказилган 3011 текширувда вилоятдаги 47 минг 690та транспорт воситасидан 7479таси техник жиҳатдан носоз деб топилди. Шунингдек, 281та автохўжаликнинг иш фаолияти комплекс текширувдан ўтказилиб, транспорт воситаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги сабабли 921 нафар раҳбар ходимларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Экология муаммоларини бартараф этиш, имкон қадар атроф муҳит тозалигини сақлаш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган бир йил мобайнида 114568та транспорт воситаларининг двигателларидан ажралиб чиқаётган заарли газлар миқдори махсус қурилмалар ёрдамида текшириб кўрилиб, 22 минг 996та автомашинада улар меъёридан кўплиги аниқланди ва мазкур автоуловларнинг ҳайдовчиларига нисбатан маъмурий чора кўрилди. "Ғиштқўприк", "Навоий", "Май", "Ўзбекистон", "Яллама" чегара масканлари орқали республикамизга кириб келаётган хорижий транспорт воситалари экологик назорат текширувидан ўтказилиб, уларга махсус рухсатномалар бериш йўлга қўйилди. Шунингдек, вилоят ИИБ ДАНБ ва РИБларда чет эллардан келтирилган транспорт воситаларига экологик сертификатлар берилиши йўлга қўйилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 2809та шундай ҳужжат берилганлиги сўзимнинг исботидир.

Албатта, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналарида 328 марта, ёнилғи-қуйиш тармоқларида 36 марта қўшма текширувлар ўтказилганлиги ҳам яхши натижа берди. Автомобиль таъмирлангандан кейин текшириб кўрилган 107та автомобиль экологик носоз деб топилганлиги ҳаммамизни хушёр тортишга ундайди.

Ўтган йил давомида вилоятимиз ҳудудида 96 ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, воқеа жойидан қочиб кетган. Кўрилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида улардан 69таси ёки 71,9 фоизи очилди. Шунга қарамай, 11та инсон ўлими билан боғлиқ ҳодисалар ҳали-ҳануз очилмай келаётгани, Зангиота, Юқоричирчиқ, Оҳангарон, Бекобод, Қуйичирчиқ, Тошкент туманларида ўлим билан боғлиқ транспорт ҳодисалари жиноятчиларининг ишлари очилмай қолганини айтмасам бўлмас.

Ҳар қалай, жорий йилда вилоятимиз ҳудудида йўлтранспорт вазиятини барқарорлаштириш, вилоят давлат автомобиль назорати хизмати ходимларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг хизмат фаолиятини яхшилаш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

Ўзбекистон ва жаҳон

АЁЛЛАР – ТАРАҚҚИЁТ – ТИНЧЛИК

БОБОКАЛОН алломаларимиз зап топиб айтганлар-да, Аёл бор ерда тинчлик бор, осойишталик бор, тотувлик бор. Аёл бор ерда вазминлик бор, фикрлаш бор, хаётий мезон бор. Аёл бор ерда оила бор, фарзандлар бор, таълим-тарбия бор. Мазкур қалималарнинг ҳар бири замирида олам-олам маъно ётипти. Зотан, дунёвий умргузаронлик, одамлар ўртасидаги муомала-муносабатлар, қадриятларнинг қарор топиши баайни ана шу зот зиммасига буюк масъулият юклайди. Шу боис ҳар бир аёл эркаклдан фаркли ўларок ўйлаб иш тутади, эртани якколрок тасаввур этади, башарият бешигини тебратишдек бурчидан ҳузур-халоват олади.

Янги аср бўсағасида аёллар масаласи дунёвий фалсафага айланмоқда. Аёлларга нисбатан бўлаётган муносабатлар, ғамхўрлик, иззат икромга қараб ҳар бир давлат нуфузига баҳо берилади. Бизнинг Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг бу борада ҳам жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади. Шу боисдан Тошкентда қатор хотин-қизлар муаммоларига бағишланган анжуманлар бўлиб ўтди.

Кейинги кунларда кўпчилик эътиборини Женевада ўтказилган Оврупо иқтисодий комиссиясининг иқтисодиёт ва ижтимоий кенгаши йиғилиши ўзига тортди. Йиғилишда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Маълумки, сессияда Пекин ҳаракат платформаси – аёллар аҳволини яхшилаш ва жамиятда уларнинг мавқеини ошириш бўйича ўзига хос халқаро дастурнинг ижроси муҳокама қилинади. БМТ Бош Ассамблеясини шу йил 5-9 июнь кунлари ўтказиш мўлжалланмоқда. Унда аёлларнинг 2000 йилдаги аҳволи, аёллар ва эркаклар тенглиги, XXI асрдаги тараққиёт ва тинчлик мавзулари кўриб чиқилади.

Женевадаги учрашувда 52 мамлакат делегацияси, ЮНИСЕФ, ЮНЕФЕМ, ЮНЕСКО, ПРООН каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Қобулова республикамиз вакиласи сифатида иштирок этди.

– Пекин ҳаракат платформаси 1995 йилда Пекинда Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясида қабул қилинган эди, – дейди Д. Қобулова, – ўшанда, дунёнинг 189та мамлакати, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари Пекин ҳаракат платформаси – аёллар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш дастурини қабул қилган эдилар. Мазкур платформага мувофиқ ушбу давлатлар вакилалари ўз зиммаларига бу борадаги устуворликларни белгилаш масъулиятини олди, уларни ижро этиш тамойилларини ишлаб чиқди, тегишли заҳиралар ва маблағлар ажратди. Ишлаб чиқилган режалар ҳукумат органлари томонидан тасдиқланди.

Женевадаги анжуманда учрашув иштирокчилари аёллар аҳволини яхшилаш бўйича миллий механизмлар ҳукуматнинг мувофиқлаштирувчи таркибий қисмига айланиши лозим, деган ҳулосага келдилар.

Мен бу ерда қилган маърузамда Ўзбекистонда қабул қилинган аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш бўйича миллий платформанинг амалга оширилишига бағишланди. БМТ Ассамблеясига "Гендер ва тараққиёт" бюроси "Ўзбекистонда аёллар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш бўйича миллий платформа, уни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари", "Ўзбекистон Республикасида амалиётда қўлланиладиган қонунчилик шарҳи", "Ўзбекистондаги аёллар ҳуқуқлари" каби ҳужжатларни, оиланинг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги қонунлар тўпламини тайёрлаб берди. Анжуман иштирокчилари аёлларимизга республикамизда мустақиллик йилларида яратиб берилган имтиёзлар, амалга оширилган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ижобий таъсир кўрсатганини юқори баҳолашди, аёлларнинг аҳволини яхшилаш борасидаги ютуқлар, аёллар иш билан бандлик ва ижтимоий мавқеъда юқори даражада эканлигини қайд этишди.

ДУНЁ АСР БЎСАҒАСИДА

янги

воқеалар • мамлакатлар • одамлар

XX асрнинг сўнгги юлдузлари

ҚОРА ҚОПЛОН

Жаҳон футболи тарихида икки юлдуз бор: бири Эдмон Арантесду Насименту – Пеле, иккинчиси – Эйсебио да Сильва Фаррейра – Эйсебио. Бири ўз юртининг фахри, обрўси, Пеле номи тилга олинганда, Бразилиядаги бешикда йиғлаётган бола ҳам йиғидан тўхтаб, жилмаяр экан. Иккинчиси ўз юртидан олисларда яшаган, ўз юрти боскинчиларининг қайфиятини хушлаш учун яшил майдонда ақл бовар қилмайдиган мўъжизалар кўрсатган, мусофир.

Қиргоқларини уммон сувлари юваётган Португалиядаги футбол корчалонлари Эйсебионинг оёқлари унча-мунча оёқлардан эмаслигини, жуда эрта пайқашди. Мозамбик Португалия учун чиндан ҳам ҳазина бўлганини ҳеч ким яширмайди. Ер ости, ер устидаги бойликларни қўяверинг, яшил футбол майдонида жаҳонни лол қолдирган гавҳар Эйсебио ҳам айнан Мозамбикдан эди.

Эйсебио 1942 йилнинг 25 декабрида Мозамбикнинг Лоренсо Мартиш деган даҳасида дунёга келди. Унинг болалиги "қора қитъа"даги барча болаларники каби кечди. Эсини танигандан бери юм-юмалоқ копток кетидан чопгани чопган. Шу бола ўн ёшидан "Спортинг" футбол клубига қабул қилинди. Бўйчангина, тийрак, офтобда худди чўяндек қотиб, қорайиб кетган болакайнинг тўп билан қилаётган "муомаласи" ҳаммани қойил қолдирарди. Энг муҳими у тўп дарвозага кириб, тўри силкиниб кетганда ёввойи бир ҳайқириқ билан ўз ҳурсандчилигини изҳор қиларди. Мана шу ҳайқириқ чамаси Португалиянинг "Бенфика" футбол клуби мутасаддиларининг ҳам қулоғига етиб борди. "Бенфика" ўша пайтда "ўртамиёнагина" команда эди. Ёмоннинг кучи япалоққа етибди, деганларидек, Эйсебиони спортингчилар ихтиёрий-мажбурий ҳолда "Бенфика"га топширишди. "Бенфика" Эйсебио мисолида бахтини топди.

Шундай қилиб, "ўртамиёнагина" команда 1960 йилдан бошлаб бели анча бақувват бўлиб қолди. Ҳатто манаман деган командаларга ҳам "ола"қарайдиган одат чиқарди. Бу пайтда Эйсебио ўн саккиз ёшида худди елдиримдек югуриб, тилга тушиб қолган эди. Орадан бир йил ўтиб, 1961 йилда у "Бенфика" раҳбарияти билан тузилган шартномага қўл қўйди: ўша лаҳзадан бошлаб унинг "эти" "Бенфика"ники, "суяги" ўзиники бўлиб қолди. Шу йилнинг ёз ойида Парижда халқаро турнир ўтказилди. Тақдирни қарангки, турнирда "Бенфика" Бразилиянинг машҳур "Сантос" командаси билан – "Пеленинг командаси" билан учрашди. Учрашувнинг 32-дақиқасида ҳисоб "Сантос" фойдасига 5:0 эди...

– Майдонга сен тушасан, – деди қисқа қилиб мураббий Эйсебиога. – Келажагинг шу ўйинга боғлиқ, билиб қўй.

Эйсебио майдонга худди тўпдан отилган снаряддек учди. То "Сантос" ҳимоячилари нима гап бўлганини англаб етунича, у иккита гол уришга улгурди. Хаш-паш дегунча ҳисоб 5:3 га ўзгарди. Шу аснода ҳакамнинг ҳуштаги янгради: ўйин тамом.

– Яхшиямки, ҳар бир тайм 45 минутдан, – деди Пеле Эйсебионинг қаршисига келиб, – яхшиямки сенинг оёғинг иккита, яна иккита оёғинг бўлганда ҳозир 6:5 ҳисобида ютқазаётган бўлардик.

Ана шу ўйиндан кейин Эйсебионинг довруғи жаҳонга ёйилди. Пеледан ҳам зўр чарм тўп устасининг футболда пайдо бўлгани ҳақидаги хабар ҳатто Жанубий Американи ларзага келтирди.

Эйсебио ўзини яна кўп бор кўрсатди. Биз унинг иккитасини айтиб ўтмоқчимиз. 1962 йилда "Бенфика" Европа чемпионлари кубогида Мадриднинг афсонавий "Реал" командаси билан беллашди.

Ҳамманинг юраги такапука. Нима бўларкин? "Реал"нинг эса парвойи палак: "Бенфика" ҳам команда бўптими? Нима бўлганини ҳисоб айтиб турипти: 5:3. "Бенфика" фойдасига. Учта тўпни эса, Эйсебио киритди.

Англияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Эйсебио энг яхши тўпурур деб тан олинди. Чорак финал ўйинларида Португалия терма жамоаси бошига Корея Халқ Демократик Республикаси футболчилари не кунларни солишмади. Улар ҳатто иккинчи таймда ҳам 3:0 ҳисобида ғалаба қозонаётган эдилар. Худди шу лаҳзаларда Эйсебио ўзининг борлигини кўрсатиб қўйди. 33 минут давомида у корейслар дарвозасига тўртта тўп киритди. Охирокибатда португаллар 5:3 ҳисобида ғалаба нашидасини суришди.

Ёки учинчи ўрин учун собиқ иттифоқ терма жамоаси билан бўлган ўйинни эсланг. Бу ўйинда Эйсебио 2:0 ҳисобида Португалия ғалаба қозонишини таъминлаган эди. У бу икки тўпни иккинчи бир машҳур футболчи – Лев Яшин қўриқлаётган дарвозага киритган эди. Бундан сал олдинроқ Англия терма командаси билан ярим финалдаги учрашув Португалиянинг мағлубияти билан тугаган эди. 2:1 ҳисобида якунланган бу матчда ягона тўпни ҳам Эйсебио киритганди. Ўйиндан сўнг ҳамма Эйсебионинг ҳўнграб йиғлаётганига гувоҳ бўлдилар.

– Мен ютқазганимиз учун йиғлаётганим йўқ, – деганди у ўшанда. – Ахир Англия терма жамоасидан ёмон ўйнамаган эдик-ку! Бизнинг ҳам жаҳон чемпиони бўлишга ҳаққимиз бор эди-ку! Мен мана шунга йиғладим.

Англия чемпионати Эйсебиога "қора қоплон" деган ном олиб берди. Унинг уйи гўзал аёлларнинг изҳори диллари ёзилган хатларга, суратларга тўлиб кетганди.

Эйсебио ўн тўрт йил давомида "Бенфика" учун "жанг" қилди.

Бу давр мобайнида унинг клуби тўққиз марта Португалия чемпиони, беш марта мамлакат кубоги эгаси бўлди. Эйсебио олти марта Португалия чемпионатларининг энг зўр ўйинчиси деб тан олинди. Икки марта Европадаги тўпурарлар рўйхатининг юқорисидан жой олди. "Олтин бутси" билан тақдирланди. 1965 йилда эса унга "Олтин тўп" топширилди.

Футболчиларни ҳамиша қувлаб юрадиган жароҳат Эйсебиога ҳам ўзини эслатиб қўйди. У оғир жарроҳлик муолажаларини бошидан ўтказди. Бир неча йил АҚШнинг "Бостон" жамоасида футбол ўйнади. Ҳозир ўзининг қадрдон "Бенфика" клубида мураббий.

"Бенфика" стадионига кираверишда Эйсебионинг ҳайкали ўрнатилган. У ўзининг ҳайкалига гоҳ-гоҳида узоқ вақт тикилиб туради. Кўз ўнгида клубнинг ҳам, ўзининг ҳам шон-шуҳратга чулғанган йиллари келиб, "қора қоплон"лиги ёдига тушиб, томиридаги қонлари туғён урса ажаб эмас. Аммо, начора, Эйсебионинг буюклиги тилдан-тилга кўчиб, афсонага айланди. Унинг мардонавор ўйинлари фақат хотирада қолди.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

МАҲБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ

УКРАИНА президенти Леонид Кучма мамлакат парламентига "Афв этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Унга кўра мамлакат қамоқхоналарида ётган, оғир жиноят қилмаган 30 минг нафар маҳбус озод этилади. Қонун лойиҳаси балоғат ёшига етмаганлар, ногиронлар ва уруш фахрийларини афв этишни назарда тутади.

ВИЗАЛИ ТАРТИБ БЕЗАРАРМИ?

ПРЕЗИДЕНТ Эдуард Шеварднадзе Грузия билан Россия ўртасида визали тартиб жорий этилиши икки давлат ўртасидаги ҳамда МДҲ доирасидаги алоқаларни оқсатиши мумкин, деди. Тбилисида ўтказилган брифингда Э. Шеварднадзе Грузия ва Россия ўртасида визали тартибнинг йўлга қўйилиши ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида визасиз ҳаракатланишни кўзда тутувчи МДҲнинг Бишкек келишувига зид эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у Грузия раҳбарияти бу масала юзасидан Россия томони билан музокаралар бошлашга тайёр эканини маълум қилди.

РАҲНАМО ҚАСАМ ИЧДИ

"ХИЗБУЛЛОҲ" раҳнамоси Ҳасан Насруллоҳ Лубнон жанубидаги Исроил ҳарбийларини ўлдиришда давом этишга қасам ичди, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Унинг таъкидлашича, Исроил 1996 йил апрел ойида имзоланган ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум шартларини бузса, мамлакат шимолига яна ракета ёғдирилади. Зотан, мазкур меморандум ҳарбий бўлмаган иншоотларга зарба беришни тақиқлайди.

ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

◆ ОЛМОНИЯНИНГ Мюнхен шаҳри яқинидаги Гархинг ҳудудида жойлашган Оврупо фазовий тадқиқотлар маркази олимлари қоинотни энг замонавий техника воситалари ёрдамида ўрганиб чиқиб, галактикаларнинг ёши илгари тахмин қилинганидан анча катта экан, деган хулосага келдилар. Ҳозиргача юлдуз ва галактикаларнинг 80 фоиздан ортиғи олам яралишининг иккинчи босқичида вужудга келган, деган фараз амал қилиб келмоқда эди. Бироқ, марказ мутахассисларининг фикрича, олам бундан 12-15 миллиард йил аввал яралган бўлиб, уларнинг асосий қисми "Катта портлаш"дан кейинги дастлабки тўрт миллиард йил ичида пайдо бўлиб улгурган.

◆ ЯҚИНДА АҚШ Калифорния штатининг Сакраменто шаҳри яқинида "ДС-8" русумли юк тайёраси ҳалокатга учради. У ҳавога кўтарилгач, мувозанатини йўқотганлиги туфайли ерга кулаб тушди ва портлаб кетди.

◆ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ Ўш вилоятида зилзила юз берди. Силкиниш кучи рихтер ўлчови бўйича 5 баллга етди. Зилзила маркази Ўш шаҳридан 85 километр узоқликда – Олой тоғ тизмасининг шимолий ёнбағрида бўлган.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● НЕПАЛ пойтахти Катмандуда Осиё-Тинч уммони минтақасида ядровий қуролсизланиш масалалари бўйича навбатдаги анжуман бўлиб ўтди. Унда минтақанинг 33 мамлакати ва ўнга яқин халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

● ЯҚИНДА Оврупо Иттифоқи мамлакатлари вакиллари Руминия, Словакия, Латвия, Литва, Болгария ва Мальта давлатларини ушбу ташкилотга қабул қилиш тўғрисидаги музокаларни расман бошладилар.

● ИСРОИЛ, Сурия ва Лубнон Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича музокараларни иложи борича тезроқ бошлаши керак. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук мамлакат парламентида сўзга чиқиб, ана шу фикрни билдирди.

● СУДАН пойтахти Хартумда 17-аньанавий халқаро кўргазма-ярмарка иш бошлади. Унда Осиё, Африка ва Оврупо қитъаларидан 400дан зиёд фирма ва компаниялар қатнашмоқда.

● ВЬЕТНАМ Яқин Шарқ можаросини ечиш борасида БМТ раҳнамолигида ўтказиладиган навбатдаги учрашувга ташкилотчилик қилади. Бу учрашув 1-3 март кунлари Ханой шаҳрида ўтказилиши керак.

● КАМБОЖА бош вазири Хун Сен икки кунлик ташриф билан Ҳиндистонда бўлди.

● ЛИТВА парламенти кам сонли халқлар ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича халқаро конвенцияни ратификация қилди. Айни пайтда ушбу ҳужжатни дунёнинг 37 мамлакати имзолади.

● МАЛИ президентининг маслаҳатчиси – 60 ёшли Манде Сидибе республиканинг янги бош вазири этиб сайланди.

ҚАФФОЛ ШОШИЙ ЗАКОВАТИ

Буюк аждодларимиздан бири бўлган аллома Имом Абубакр Муҳаммад ибн Али ибн Муслим Қаффол Шоший 903 йилда Тошкентда тавваллуд топди. Тошкентнинг қадимий номларидан бири Шош бўлгани учун унинг исмига "Шоший" номи қўшиб айтилгандир. Имом Қаффол Шоший ўз даврининг баркамол илм соҳиби бўлган. Гарчи Қаффол Шоший улкан илмлари туфайли барчанинг эътиборини қозонган бўлсаларда, ўз тирикчиликларини қулфсозлик касби орқали ўтказганлар. Шу боис ҳам "Қаффол", яъни қулфсоз номини олганлар.

Қаффол Шоший кўп марта муборак Ҳаж сафарини адо этиб, кўплаб хорижий юртларда бўлган. Аллома бу сафарлар чоғида жуда кўп халқларнинг тилларини эгаллаганлар. Кўплаб номаълум ёзувларни ҳам ўрганганлар. Имом Қаффол Шоший тўғрисидаги ривоятларда айтилишича ана шундай сафарларнинг бирида ватандошимиз Қаффол Шоший Бағдод шаҳрига кириб келади. Иттифоқо худди шу вақтда ҳалифаликка (бу пайтда Бағдодда аббосийлар ҳалифалиги инқирозга юз тутган эди) Туркия султони хавф солиб турган эди. Бағдод халифасига Византия лашкарбошиси Тақфур ҳам элчилар орқали номаълум тилда ва номаълум ёзувда ёзилган бир мактуб юборган эди. Туркия султони талаб қилган ва ўртага қўйган шартлар бўйича агар Бағдод халифаси мазкур номаълум тилда ёзилган мактубни ўқиб чиқиб, худди шу тилда жавоб ёзиб юборса ўзаро сулҳ тузилади. Акс ҳолда, яъни халифа мактубни ўқишга ва шу тилда жавоб юборишга қодир бўлмаса, катта миқдорда солиқ тўлаши лозим эди. Агар халифа шартларнинг унисини ҳам, бунисини ҳам бажо келтирмаса ўзаро уруш бўлиши муқаррар бўлиб қолган эди. Бу пайтда Туркия султони аскарлари сон жиҳатидан устун бўлиб ҳалифанинг ғалаба қилиши мушкул бўларди. Солиқ тўлаш учун ҳам нақд маблағ хазинада мавжуд эмасди. Бундай шароитда халифа учун биринчи шартни бажариш энг қулай ва осон бўлиб, фақат номаълум тилда ёзилган мактубни ўқиб, шу тилда жавоб ёзишдан иборат эди, холос. Шунинг учун Бағдод халифаси номаълум тилда ёзилган мактубни ўқиб таржима қилдириш учун ўзининг уламою фузалоларини тўплаб, уларга ушбу вазифани топширади. Лекин бошида осон кўринган бу ишни бажаришга халифаликдаги бирорта олимнинг кучи етмайди. Халифа бундан ғоят маъюсланиб, ғамга чўкади. Худди мана шу аснода ватандошимиз Қаффол Шоший Бағдодга кириб келган эди. Халифа саройидаги баъзи олимлар Имом Абубакр Муҳаммад Қаффол Шошийнинг чуқур билим ва кўп тилларни билишлигидан хабардор эдилар. Улар ўзларини қийин аҳволдан чиқариш ҳамда халифани ҳам мамнун қилиш учун Қаффол Шошийнинг таърифини халифага етказишади. Халифа дарҳол Қаффол Шошийни ҳузурига чорлатади. Эндигина Боғдодга кириб келган Қаффол Шоший халифа саройида иззату икром билан кутиб олинади. Халифа унга муддаони тушунтириб, тезда мазкур мактубни таржима қилиб беришни сўрайди. Шу билан бирга халифа хизмат ҳақи учун Қаффол Шошийга истаган нарсасини беришини ҳам айтади.

"Мусхафи Усмоний" (Усмон Қуръони) нусхаларидан бирини Туркистон заминига олиб келиш Абубакр Муҳаммад Қаффол Шошийнинг доимий орзуларидан бўлгани учун у халифадан ўз хизмати эвазига "Мусхафи Усмоний"ни сўрайди. Кутилмаган бундай илтимос халифани ўйлантириб қўяди. Халифа Қаффол Шоший олтин, кумуш сўрайди деб хаёл қилган эди. Халифанинг "Мусхафи Усмоний"ни беришга ваъда қилишдан ўзга иложи қолмайди. Чунки, у мазкур мактубни ушбу мусофирдан бошқа одам ўқиёлмаслигини тушунган эди. Аммо халифа ўз кўнглида ишни битириб олгандан сўнг "Мусхафи Усмоний"ни Қаффол Шошийдан қайтариб олишни ҳам ўйлаб қўйган эди. Бироқ халифа Абубакр Муҳаммад Қаффол Шошийнинг ўта билимдонлиги билан бир қаторда ғоятда ҳушёрлиги ва заковатлилигини билмаган эди. Қаффол Шоший халифанинг кўнглидан ўтган фикрни сезиб, дарҳол бунга қарши ўзининг режасини фикрлаб чиқади. Гарчи мактубни таржима қилиш ва ўша тилда жавоб

Сўнмас сиймолар

ёзиш учун икки-уч соат вақт кифоя бўлса-да, Қаффол Шоший халифадан ўн кун муҳлат сўрайди ҳамда "Мусхафи Усмоний"ни олдиндан беришларини илтимос қилади. Яна қайтариб олишини кўнглига туккан халифа ноилож бу илтимосга ҳам розилик беради ва "Мусхафи Усмоний"ни Қаффол Шошийга олдиндан бериб юборади. Ўз ҳужрасига келган Қаффол Шоший ўша куни кечасиёқ ўзига яқин одамларини учқур отларга миндириб, "Мусхафи Усмоний"ни Тошкентга жўнатади ва ишончли кишилар қўлига топширишни тайинлайди. Ўзи эса шошмасдан мактуб билан шуғуллана бошлайди. Орадан ўн кун ўтгач Қаффол Шоший мактуб таржимасини ва шу тилда жавоб хатини ҳам битиб халифа ҳузурига келади. Иш битганидан ғоят шод бўлган халифа аввалига кўнглига тугиб қўйган фикрини ҳам ёддан чиқариб, мактуб жавобини тезда Византия лашкарбошисига юборишга амр қилади. Мактуб жавобидан кўнгли жойига тушган халифа яна "Мусхафи Усмоний"ни эслаб, уни Қаффол Шоший қўлига ўтган "Мусхаф"ни қайтариб олиш фикрига тушади. Аммо Қаффол Шошийнинг ундан ҳам усталик қилганини ва энди "Мусхафи Усмоний"нинг узоқда эканини, уни яна қўлга кирита олмаслигини билгач лол қолади. Ноилож халифа олимнинг хизматини ва ақл-заковатини яна бир бор тақдирлаб, ватанига иззат-икром билан кузатиб юборади. Шундай қилиб мазкур ривоят бўйича муқаддас Қуръони-Шарифнинг халифа Усмон ибн Аффон даврида куфий ёзуви билан кийик терисига ёзилган илк етти нусхадан бири Имом Абубакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шошийнинг зукколиги туфайли мамлакатимизга келиб қолган. Аввалида етти нусха бўлган ушбу "Мусхафи Усмоний"дан ҳозир дунёда фақат тўрт нусха сақланиб қолган. Шулардан бири Тошкентдаги нусхаси бўлиб, халқимизнинг энг буюк маънавий бойлигидир.

Имом Қаффол Шоший 976 йилда 73 ёшларида вафот этганлар. Ул зотнинг қабрлари устига 1541-1542 йилларда мақбара бино қилинган. Бу мақбара Бароқхон мадрасаси ва Тилла Шайх масжиди ёнида жойлашгандир. Тошкентдаги бу жойнинг "Хасти имом" деб юритилиши ҳам мана шу мақбара туфайлидир. Мақбарага кираверишдаги пештоқ эшиги тепасига араб ёзувида бинонинг қурилган йили ҳамда меъмор Ғулом Ҳусайн билан хаттот котиб Қудрат номлари битилган.

Имом Қаффол Шошийнинг табъи назмлари ҳам бор бўлиб у кишининг қаламига мансуб шеърлар "Маноқибул ҳукамо" (Донишмандлар фазилатлари") номли асарда келтирилган. Қуйида улардан баъзи намуналар келтирамиз:

ТЎРТЛИКЛАР

Кўнгил ганжинаси эрур фазлу илм,
Башар оинаси эрур фазлу илм.
Ким қилмади илмга эътиқод, бил.
Ул эрур ҳар янглиғ бефазли, беилм.

* * *

На тотли, на завқли, бу азиз умр.
Оламда барчадин эрур лазиз, умр.
Умр фазлу камолот ила на хушдур.
Андин бўлғай барчадин азизроқ умр.

* * *

Зеболиғ ичра қаддинг камол топсин.
Сенга қинғир қараган — малол топсин,
Ағёринг барчаси, эй гул, завол топсин,
Муҳаммад ишқи куну тун камол топсин.

ФАРД

Йўқу борим сенга бахш этдим, болам, одам бўл.
Одамийлар ичра касб эт илму фазл, аллома бўл.

Имом Қаффол Шоший қаламига мансуб "Адаб ул-қози", "Одоб ул-баҳс", "Ҳусни жадал" каби асарлар ҳам фанга маълумдир.

Асадали ҲАКИМЖОНОВ,
Исмоил ШОДМОЛҚУЛОВ, тарих фанлари номзодлари.
Зоҳиджон БОЗОРОВ, катта ўқитувчи.

Шоҳмот

ГРОССМЕЙСТЕРЛАР КЎПАЯДИ

ИСПАНИЯНИНГ Линарес шаҳрида йирик халқаро турнир якунланди. Анъанавий халқаро очик турнирда жаҳоннинг 34 давлатидан 140 шоҳмотчи иштирок этди.

Ўзбекистонлик ёш шоҳмотчи Марат Жумаев нуфузли турнирда илк бор иштирок этиб, учинчи ўрин ва гроссмейстерлик унвонини олиш учун биринчи баллни қўлга киритди.

Ўтган йили Шуҳрат Сафин ва Рена Мамедовалар гроссмейстерлик унвонини қўлга киритган эдилар. Бу йил эса Дмитрий Қаюмов ва Алексей Барсовлар ҳам шу унвонга эга бўлишди. Мана энди Марат Жумаев гроссмейстерлар эшигини қоқмоқда. Унга омад тилаймиз.

СОБИР УМАРОВ — РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

РЕСПУБЛИКА шоҳмот-шашка клубида шоҳмот бўйича биринчи табақа вакиллари мамлакат чемпионатини поёнига етказдилар. Жанглар жуда кескин ўтди. Сирдарёлик 21 ёшли шоҳмотчи Собир Умаров 8,5 очко тўплаб, чемпионлик унвони билан бирга спорт устаси номини қўлга киритди. Шунингдек, у республика биринчилигининг олий табақасида қатнашиш ҳуқуқини берадиган биринчи йўлланма эгаси бўлди. Иккинчи йўлланма сурхондарёлик Акбар Алибоева насиб этди.

Талъат ЮСУПОВ.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

"Фалсафа ва жаҳон маданияти" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Инглиз тили", "Француз тили", "Немис тили", "Ўзбек тили" ва "Жаҳон тиллари" кафедралари мудирлари лавозимларига, "Макро-микроиқтисодиёт" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Информатика ва информацион технологиялар" кафедраси мудири лавозимига, "Иқтисодиётда миқдорий усуллар" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Халқаро иқтисодий муносабатлар" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Халқаро молия" кафедраси мудири лавозимига, "Сиёсатшунослик" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Жаҳон сиёсий тарихи" кафедраси мудири лавозимига, "Халқаро муносабатлар" кафедраси мудири лавозимига, "Сиёсий маркетинг" кафедраси мудири лавозимига, "Фуқаролар ҳуқуқи" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Давлат қурилиши ва ҳуқуқи" кафедраси мудири, профессори лавозимларига, "Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий қонунчилик" кафедраси мудири лавозимига, "Инсон ҳуқуқлари, тинчлик, толерантлик ва халқаро ҳамжиҳатлик" кафедраси мудири лавозимига, "Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири лавозимига, "Жисмоний тарбия" кафедраси мудири лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

*Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бир ой муддат ичида — **700137, Тошкент, Буюк Ипак йўли, 54** — манзилида қабул қилинади. **Телефон 67-17-20.***

ДИҚҚАТ!

"Дамачи" акциядорлик жамияти 2000 йил 26 февраль соат 10.00да акциядорларнинг умумий мажлисини ўтказади.

Кўриладиган масалалар:

1. 1999 молиявий йил якуилари.
2. 2000 малиявий йил режалари.

Кузатув кенгаши.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги "МЕТТИС" Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонасининг йўқолган **ДУМАЛОҚ МУҲРИ ва ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 23–27 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Фақатгина шу даврнинг охирига бориб ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ, 3 даражадан 5 даражагача илиқ бўлади. Кундуз кунлари эса ҳарорат астасекинлик билан кўтарилиб, 9–14 даражадан 13–18 даражагача илиқ бўлиши мумкин.

Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги жамоаси туман ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Бойбўтаевга падарибузруквори **Дўстбой БОЙБЎТАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИСТИҚЛОЛ миллий қадриятларимизга қайта ҳаёт бахш этди. Кўҳна Самарқанддаги обидаларнинг бугунги кўрки, салобатли файзи бунинг ёрқин тимсолидир. Яқинда Тошкент вилоятининг 890 нафардан иборат фахрийлари, ишчи-хизматчилари, дала меҳнаткашлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда "Қаноат" мувофиқлаштириш маркази ташаббуси билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида бу шаҳарда бўлдилар. Улар Имом ал-Бухорий мажмуаси, Гўр-Амир, Регистон, Улуғбек расадхонаси ҳамда бошқа тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиб қайтдилар.

***СУРАТЛАРДА**: Имом ал-Бухорий мажмуасининг умумий кўриниши; зиёрат пайти; пешайвоннинг нафис нақшлари бой тарихимиз ҳақида ҳикоя қилади.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Турмуш чорраҳаларида

ЕР БЎЛГАН ЭР

ОЛИМЖОН анчадан буён учрашмаган дўсти билан мириқиб гаплашиш мақсадида чойхонага ош буюрди. Дўсти Шавкат ҳам жуда шинаванда йигит. Улар мактабда ҳам бирга ўқишган. Бир маҳаллада катта бўлишган. Ҳатто мактаб партасида ҳам бирга ўтиришган. Мактаб даври тугагач, Шавкат ҳам, Олим ҳам йигитлик бурчини ўташга отланишди. Шундан сўнг Олим олий ўқув юртига ўқишга кирди. Дўсти эса хўжаликда ишлади. Мана шунга ҳам 10 йилдан ошибди. Бу орада улар оилали, фарзандли бўлишди.

— Оғайни, қишлоққа келиш ниятинг борми? Ё эрта-индин бола-чақани ҳам кўчириб кетмоқчимисан? — деди Шавкат мийиғида кулиб, чойнакдаги чойни қайтараркан.

— Ким билади дейсан, бир хисобда шаҳардаги ишим ўзимга ёқади, — деди Олимжон.

— Мана, ош ҳам тайёр бўлди. Қани, йигитлар, марҳамат, — деди чойхоначи ва "ош бўлсин" дея лагандаги паловхонтўрани узатди. Шу маҳал эшикда Шавкатнинг икки дўсти кўринди. Салом-аликдан сўнг дарҳол уларни ҳам ошга таклиф этдилар. Қоғоз халтадаги помидор, бодринг ҳамда ҳар хил газаклар, ҳатто "оби зам-зам" ҳам дастурхонга қўйилди, бироз қизишиб олишгач, ошдан сўнг, қозон кабобни ҳам иштаҳа билан туширишди.

Шавкатнинг ошналари анча пулдор бўлиши билан бирга жуда дилкаш йигитлар эди. Суҳбат қизигандан-қизиб борди. 4 шиша ароқ ичилгач, суҳбати жонон бўлди. Йигитлар ташқарига чиқишгач, кўнгиллари сусткетди, шекилли, улардан бири:

— Шавкатилло, дўстингиз билан сизни бир жойга олиб бораман, — дея муғомбирона жилмайди.

— Ўзиям жа, зўр нарсада. Қоматини айтмайсанми, қоматини, — дея дўстини қувватлади йигитлардан бири. — Бунақа жононлар учун-чи, жонингни берсанг ҳам арзийди-да.

— Ўзи у аёлнинг эри борми? — дея сўради Олимжон сесканиб.

— Биззи хотинларимиз қандай ювош бўлса, унинг эри ҳам шундай. Лекин у эркак эмас, мисоли қўйдай ювош бўлса керак.

— Эй, қўйсаларинг-чи, шунақа майда гапларни.

Машина катта йўлда елиб бораркан, аввал ўнг томонга, бироз юргач, чап томонга бурилди. Бу орада Олимнинг кайфи тезда ошиб қолганди.

Йигитлар топган хонадон шинамлиги ва бежиримлиги билан маъқул тушди. Олимжон ва Шавкат шу ерда қолишди. Шинаванда йигитлар эса машинани яна қушдек елдириб кетишди. Орадан ярим соатлар чамаси ҳам ўтмай, машина сигналидан Олимжон сергак тортиб кўзларини очди. Бироз мизғиган экан, туш кўрибди. Тушида хотини Холида катта ботқоқликка ботиб кетаётган эмиш. Олимжон бўлса 4 ўғли билан уни тортиб олмоқчи бўлиб қанча чиранмасин, у баттарроқ ботқоқлик қаърига кириб бораверармиш. Энг қизиғи, у ўғиллари билан шундоққина ботқоқлик устида турармишлар-у, чўкишмасмиш. Холида эса дод солиб чўкиб борармиш.

— Қани, оғайни, қўшни хонага мархамат, сизни "маликамиз" интизорлик билан кутмоқдалар, — деди йигитлардан бири.

Шундагина қаерда эканлиги Олимжоннинг ёдига тушди. Бироқ, сира оёғи тортмади. Кирмай деса йигитлик ғурури бор. Хуллас, таваккал қилди. Эшикни очиб ичкарига кирди. Кирди-ю ҳайратдан қотиб қолди. Оёғи нега тортмаётганини, тушидаги ботқоқликнинг маъносини тушуниб етди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида ўз хотини Холида турарди...

Радиодан эса ҳазин қўшиқ янграрди: "дунё ёниб кетсин, гар аёл хиёнат қилса..."

Сурайё АҲМЕДОВА.

«ГЛИПИЛ» ДИАБЕТГА ҚАРШИ

ТОШКЕНТ вилоятида илк бор қандли диабет хасталигига қарши ишончли препарат — "Глипил" хапдориси ишлаб чиқарила бошланди.

ҚАНДЛИ диабет хасталиги ер юзида кенг тарқалган хавфли касалликлардан бири ҳисобланади. Айтайлик, жаҳоннинг Хитой, Корея ва Япония каби мамлакатларида бу хасталик билан оғриганлар сони 70 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда эса 5 миллионга яқин бемор мазкур дардга қарши дори-дармон ишлатади.

Бугунги кунда инсоният бу ҳасталикка қарши ишончли восита "Глипил" хапдорисига эга бўлди. Унинг дунёга келишига сабабчи инсон — республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор, "Самитол" (Сиртқи актив моддалар) илмий-ишлаб чиқариш бирламасининг бош директори Тоҳир Маҳмудовдир.

Табобат

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профессор Маҳмудов таклиф этган ва амалда исботлаб берган хапдори антибиотик дармондори ҳисобланиб, нафақат республикамизда, ҳатто жаҳондаги барча соғлиқни сақлаш тизимларида ҳам ўзига хос янгилик ҳисобланади. Ундан фақат касталарнинг эмас, хасталикка чалинган болалар ҳам фойдаланиши мумкинлиги амалда синаб кўрилди.

Хўш "Глипил" хапдориси қандли диабет хасталигига қарши ишлатладиган бошқа дори-дармонлардан ўзининг қайси жиҳатлари билан афзал? Амалда фойдаланилаётган синтетик антибиотик — "Глюренорм", "Диабетон", "Манинил" сингари дори-дармонларга қараганда, Тоҳир Маҳмудов жаҳон афкор оммаси эътиборига таклиф этган "Глипил" хапдориси энг аввало табиийлиги, ишончлилиги, қонни қанддан тез тозалаш қувватининг кучлилиги, муҳими арзонлиги билан ажралиб туради.

"Ташкентская правда" газетаси таҳририятида "Глипил" хапдориси ишлаб чиқарилишига бағишланган, республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда чет эл журналистларининг ушбу препарат ижодкори билан учрашуви бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида Т. Маҳмудов "Глипил" дорисининг аҳамияти, унинг қандли диабет касаллигига қарши нодир восита эканлиги ҳақида сўзлаб берди ва журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ, "Тошкент ҳақиқати"нинг мухбири.

АМЕРИКАЛИК ДАМЛАГАН ПАЛОВ

Ўзбек эли эшигини кокиб келган ҳар бир меҳмонга энг аввало "хуш келибсиз", дея уйининг тўридан жой беради. Ота-боболаримиздан мерос колган бу фазилат жаҳон аҳлида катта таассурот колдирмоқда. Бугунги кунда минглаб хорижликларда бизнинг урф-одатларимизга, турмуш тарзимизга кизикиш катта. Ўзбекистонда яшаб, хизмат килаётган хорижликлар хатто ўзбек тилини ҳам ўрганишмоқда.

Тошкентимизнинг Абдулла Набиев номли маҳалласида истиқомат қилаётган америкалик шифокорлар Жей ва Майни Макколмлар оиласи ҳам шундай. Ҳатто улар исмларини ўзбекча Жўра ва Муҳайё деб атаб олишган. АҚШнинг Миссисипи штатидан келган Макколмлар оиласида тўрт ўғил вояга етмоқда. Уларнинг ҳам исмлари ўзбекча: Вил — Умид, кейингиси Сэм — Султон, Гарнир — Нодир ва кенжатой Мак — Маҳмуд.

Оила бошлиғи Жей Макколм Тошкент болалар тиббиёт институтида ногирон болаларни, кўзи ожизларни даволовчи шифокор бўлиб хизмат қилади. Доимо кулиб, самимий гаплашадиган эр-хотин, Ўзбекистонга келишганига ҳали бир йил бўлмасданоқ, ўзбек тилини мукаммал ўзлаштириб олдилар. Уларни илк бор кўрганимда ўғиллари Сэм эгнида беқасам тўн, бошига дўппи кийиб, новвойхонага кетаётган эди. Шундан билдимки, бу оиланинг Ўзбекистонга муносабати ва ҳурмати чексиз. Уларнинг оиласига таниш буюрганимда, ўзимни худди ўзбеклар хонадонига кириб қолгандек ҳис қилдим. Уйга разм солдим: тўрда сўзана, палак илинган, хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўшалган, дастурхон устида ўзбекларнинг машҳур пахта гулли чойнак-пиёласи турарди. Болалар бирин-кетин "Ассалому алайкум" деб саломлашиб, оналари Майнига ёрдамлашдилар. Майни деярли ўзбек аёлидан фарқ қилмасди. Унинг эгнида ўзбекона тикилган бахмал кўйлак, бошига қизил гулли рўмол ўраган эди. Ёқимли чеҳрасида самимият ва меҳр сезилиб турарди. У дастурхонга таклиф қилди. Дастурхон атрофида Ўзбекистон ҳақида суҳбатлашдик. Суҳбатимизга Жей Макколм ҳам қўшилди.

Дўстлик сарҳад билмайди

— Нима учун айнан Ўзбекистонга келиб яшашни маъқул кўрдингиз? — сўрайман улардан.

— Бизнинг Ўзбекистонга келишимиздан мақсад, кўз шифокори бўлганим учун, туғма ногирон болаларни даволаш, — деб сўз бошлади Жей Макколм. — Бу ерда ишлаб, тажриба орттирмоқчиман. Ўзбекистон қуёшли мамлакат бўлгани учун иқлим жиҳатидан Америкага яқин. Яна бу юрт бошқа мамлакатларга қараганда тинч, иқтисодий ривожланаётган, келажаги бор давлат. Ўзбекистондаги меҳмондўстлик ва меҳрибонлик ҳеч бир мамлакатда йўқ. Пойтахт кўчалари гўзал, озода ва бетакрордир. Маҳаллада турганимиз учун ўзбекона урф-одатларни, анъаналарни ўрганишимиз осон кечмоқда. Бунда бизга қўшниларимиз яқиндан ёрдам беришмоқда.

Дастурхонга палов тортилди. Майни "ўзим пиширганман, татиб кўринг", деди жилмайиб. Дарҳақиқат, палов мазали экан. Унга: "Қойил, сиз ўзбекча таомларни шундай мазали пиширасизми?", деб савол бердим, "секин-секин ўрганяпман", деб жавоб қайтарди.

— Ўзбек тилини яхши билар экансиз, қандай қилиб ўргандингиз? — деб савол бердим.

— Биз Тошкентдаги Жаҳон тиллари университетида ўқитувчилар ва тил ўрганувчилар ёрдамида ўзбек тилини ўргандик, — дея сўзини давом эттирди Майни Макколм. — Маҳалламиздаги аёллар менга ҳар соҳада ёрдам беришмоқда. Уйимизга келиб, ўзбекча овқат пиширишни ўргатишди. Болаларимиз маҳалла болалари билан бирга ўйнашади. Бу ерда ким билан мулоқотда бўлмайлик, фақат ўзбек тилида суҳбатлашдик, шунинг учун тез ва осон ўрганиб олдик.

— Ўзбекистондаги одамларнинг қайси фазилатлари сизларга ёқди? — яна сўрайман.

— Бизга Ўзбекистон одамларининг меҳмондўстлиги, мулойимлиги ва сабрлилиги жуда ёқди, — жонланиб кетди Жей Макколм. — Ўзбек оилаларида фарзанд тарбиясига катта эътибор билан қарашар экан. Болаларимизни иложи борича шарқона тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Кўп марта эрталаб ошга бордик, дўстимизни тўйида иштирок этдик. Тўйлар жуда қизиқарли ўтар экан. Наврўз байрамида, Мустақиллик байрамида қатнашдик. Тўғрисини айтганда, бу ер бизни ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Қуйқўшиқларидан тортиб, таомлари, либослари — ҳамма-ҳаммаси.

Жей ва Майни бир-бирини тўлдириб узоқ сўзлашди. Олган таассуротларини эҳтиросга тўлиб гапириб беришди. Суҳбатимиз ниҳоясида фотиҳа учун қўл очдик. Шунда Жей, "мен ҳам фотиҳа ўқишни биламан, деб яхши ниятларини айтди: Худойим ўзинг бизни дўстлигимизни мустаҳкам қил, бу дунёдан ўтганларни раҳмат қилгин, дастурхонимизга файзу барака бергин".

Хайрлаша туриб, уларни уйимизга меҳмонга таклиф қилдим. Жей ва Майни албатта борамиз, деб ваъда беришди.

Йўлда кетар эканман, юртимнинг ҳар бир қарич тупроғи олтин, одамлари меҳмондўст, мулойим эканлигини ўйлаб, шу Ватанда туғилганимга Аллоҳга шукрлар айтдим. Уммон ортидаги узоқ мамлакатдан келиб, бу ерда хайрли ишларини амалга ошираётган Жей ва Майнининг оиласига омад ва бахт тиладим.

Гўзал ОТАЖОНОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-095. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 14.595 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6